

Ассалому алайкум ҳурматли сессия қатнашчилари!

Ҳурматли сенаторлар ва депутатлар!

Ўзбекистон Республикаси Президенти, ҳурматли Шавкат Миромонович Мирзиёев ташаббуслари билан илк маротаба ҳокимларнинг кенг жамоатчилига вилоятда 2020 йилда амалга оширилган асосий ишлари якуни ва 2021 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг устувор йўналишларига бағишланган Мурожаатнома тақдим этилмоқда.

Президентимизнинг **“пандемия шароитида яшаш ва ишлашга ўрганишимиз керак”** деган фикрлари асосида қанчалик қийин бўлмасин, бу йил учун белгиланган устувор вазифаларимизни том маънода уддаладик десак ҳам ҳеч муболоға бўлмайди.

Азиз дўстлар!

Қайси бир жойда ибратли бир иш бўлса, у кенгашилган тадбирнинг натижаси эканига гувоҳ бўламиз. Бу бежиз эмас, зотан биз улуғвор ўтмишимиздан шундай сабоқ олганмиз.

Шу ўринда Соҳибқирон бобомиз Амир Темурнинг **“Салтанат ишларининг тўққиз улушини машварат, тадбир ва кенгаш билан бажо келтириш зарур”** деган теран фикрини ёдга олиш ўринли деб биламан.

Фуқароларимиз билан доимий мулоқот олиб бориб, ҳар бир соҳа ва тармоқ бўйича бевосита учрашувлар, маслаҳат ва фикр алмашувлар ўтказилгани ҳам, ислоҳотларимизни юксак даражада амалга оширишга хизмат қилаётганини кўриш мумкин.

Жаҳон миқёсида юзага келган коронавирус пандемияси режаларимизни амалга оширишга ўз таъсирини кўрсатмасдан қолмади.

Давлатимиз раҳбари томонидан амалга оширилаётган оқилона сиёсат, ўз вақтида қабул қилинган Фармон ва қарорлар ҳамда бу борада белгиланган чора-тадбирлар пандемиянинг салбий таъсирини юмшатишга жуда катта хизмат қилмоқда.

Хусусан, жорий йилнинг 19 март куни Президентимиз Фармони билан Молия вазирлиги ҳузурида **10 трлн.сўм** бюджетга эга бўлган **Инқирозга қарши курашиш жамғармаси** ташкил этилиб, ушбу жамғармадан вилоятимиз учун **жами 637,4 млрд.сўм** маблағ ажратилди.

Жумладан, **147,3 млрд.сўм** коронавирус инфекциясининг тарқатилишига қарши курашиш тадбирларига, **334,8 млрд.сўм** инфратузилмавий лойиҳалар ва инвестиция дастурларини амалга оширишга, **122,7 млрд.сўм** кам таъминланган оилаларга ижтимоий нафақалар ва моддий ёрдамлар тайинлаш учун ҳамда **32,5 млрд.сўм** аҳолини ўзини-ўзи банд қилиш ва ишсиз фуқароларни қисқа муддатли жамоат ишларига жалб этиш учун йўналтирилди.

Шунингдек, пандемия даврида **иқтисодиёт тармоқларини узлуксиз ишлашини таъминлаш ҳамда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш мақсадида** давлатимиз раҳбарининг Фармон ва қарорларга асосан, тадбиркорлик субъектларига **турли имтиёзлар ва енгилликлар берилди.**

Чунончи, бу имтиёз ва енгилликлар натижаси ўлароқ **19,5 мингта** якка тартибдаги тадбиркорлар ва **37,0 мингта** микрофирма ва кичик корхоналарга **жами 272 млрд.сўмлик солиқ имтиёзлари** қўлланилган бўлса, **265 та** хўжалик юритувчи субъектларнинг **7,8 млрд.сўм** солиқ тўлов муддати кечиктирилди, **3 360 та** корхонанинг **1,4 млрд.сўм** солиқ қарзи ва пеняси **ҳисобдан чиқарилди.** Шу билан бир қаторда **1 540 та** кичик тадбиркорлик субъектлари **7,1 млрд.сўмлик** мол-мулк ва ер **солиқларини тўлашдан озод** этилди.

Карантин сабабли фаолиятини вақтинча тўхтатишга мажбур бўлган **11,2 мингта** якка тартибдаги тадбиркорларга **17,5 млрд.сўм солиқ тўлови**, **776 та** тадбиркорлик субъектлари учун **1,3 млрд. сўмлик давлат мулки ижараси тўлови** ҳисобланмаган бўлса, **8 276 та** кредит шартномалари бўйича тадбиркорларнинг **1 трлн. 443 млрд сўмлик** кредит тўловлари муддати узайтирилди.

Ҳурматли депутатлар!

Бугун биз, пандемия шароитига қарамасдан саноат, капитал қурилиш, транспорт-коммуникация, сервис ва хизмат кўрсатиш соҳаларида салмоқли ютуқлар қўлга киритилди деб айта оламиз.

Хусусан, жорий йилда **ялпи ҳудудий маҳсулот** ҳажми **42,1 трлн. сўмга** ёки ўтган йилга нисбатан **1,9 фоизга** ўсиши кутилмоқда.

Ўтган **11 ой** давомида **саноат маҳсулотлари** ўсиш суръати **0,7 фоизга (15,8 трлн.сўм), хизматлар кўрсатиш 2,9 фоизга, қурилиш-пудрат ишлари 7,0 фоизга** ўсиши таъминланган бўлса, аҳоли жон бошига **саноат маҳсулотлари 4,1 млн.сўмни, чакана савдо айланмаси 3,7 млн.сўмни** ҳамда **хизматлар 3,3 млн.сўмни** ташкил этди.

Бироқ, бу кўрсаткичлар айрим ҳудудларимизда паст даражада бўлиб, берилган имкониятлардан тўлақонли фойдалана олмади, десак адашмаган бўламиз.

Жумладан, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш Жомбойда **81,4 фоизга**, Каттақўрғон шаҳрида **99,3 фоизга**, хизматлар кўрсатиш Нуробод, Каттақўрғон ва Қўшработ туманларида паст даражада қайд этилди.

Ҳеч кимга сир эмаски, пандемия асосан саноат ва хизмат кўрсатиш соҳалари ривожига ҳам ўзининг салбий таъсирини кўрсатди. Бунинг оқибатида саноат соҳасидаги **551 та** корхоналар иш фаолиятини вақтинча тўхтатган бўлса, **726 та** корхоналарда ишлаб чиқариш ҳажмлари кескин камайиб, **310 та** корхоналарда ўтган йилга нисбатан пул айланмаси пасайиб кетди. **3 846 та** чакана савдо шахобчалари ва **133 та** меҳмонхоналар, **344 та** тuroператорлар фаолиятини вақтинча тўхтатганлиги, овқатланиш хизматлари ҳажмининг кескин камайиб кетганлиги **хизмат соҳасидаги кўрсаткичларга салбий таъсир кўрсатди.**

Лекин, ўз вақтида кўрилган чоралар натижасида, бугун барча йўналишдаги корхоналар фаолияти тикланиб, ўз иш фаолиятини давом эттиришига

эришилмоқда.

Ҳурматли депутатлар!

Жумладан, маҳаллийлаштириш дастури доирасида **22 та** корхоналар томонидан **178,8 млрд.сўм** қийматга эга **52 турдаги** импорт ўрнини босувчи саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилди.

2020 йилнинг **11 ойида 495 та** корхоналар томонидан **53 та** мамлакатга **518 турдаги 310,1 млн.долларлик** маҳсулотлар экспорт қилинди (**197,2 млн.долл. саноат ва 112,9 млн.долл. қ/х маҳсулотлари**).

Жорий йилда **190 та** янги экспортёр корхоналар ташкил этилиб, улар томонидан **34,0 млн.долларлик** маҳсулотлар экспорт қилинди.

64 та экспортёр корхоналарга айланма маблағини тўлдириш учун **262,5 млрд. сўм** миқдорида кредит ажратилди.

Шу билан бирга, **30 та** экспортёр корхоналарга **80,1 млрд.сўм** қўшимча қиймат солиғи (ҚҚС) қайтариб берилди.

Шунингдек, жорий йилнинг февраль ойида **“Ҳудудий саноат ярмаркаси ва кооперация биржаси”** ўтказилиб, **144 та** тадбиркорлик субъектлари маҳаллийлаштирилган **1540 та маҳсулот** турлари билан иштирок этди ва **21,7 млрд.сўмлик 354 та** шартномалар имзолаган бўлса, 10-12 декабрь кунлари ўтказилган **“Қишлоқ хўжалик техникалари, технологиялари ярмаркаси ва саноат кооперацияси кўргазмаси”**да қишлоқ хўжалиги техникалари ва мосламалари, эҳтиёт қисмлар, кимёвий воситалар кўргазмага қўйилиб, **81,3 млрд.сўмлик 358 дона** қишлоқ хўжалик техникаси ва мосламаларини харид қилишга шартномалар имзоланди.

Ҳурматли сессия иштирокчилари!

Бугун биз, сўнгги йилларда қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш ва соҳага бозор механизмларини жорий қилиш борасида амалга оширилаётган изчил чора-тадбирларни қайд этмасдан иложимиз йўқ.

Бу йилги мавсум қандай оғир ва мураккаб кечганини ҳаммамиз яхши биламиз. Айниқса, пандемия шароитида ишни тизимли ташкил этишда, табиат инжиқликлари – баҳорнинг ўта серёғин келгани, айниқса баҳорда қор ёғгани, ёз фаслидаги жазирама иссиқ, кузда ҳаво ҳароратининг пасайиши, яъни барвақт бошлангани қишлоқ хўжалиги соҳасини яна бир бор жиддий синовдан ўтказди.

Ана шундай қийинчиликларга қарамасдан, вилоятимиз бўйича

684,5 минг тонна ғалла, **223,3 минг** тонна пахта, **1,6 млн.** тонна сабзавотлар, **630 минг** тонна картошка, **126,1 минг** тонна полиз маҳсулотлари, **354,4 минг** тонна мевалар, **600 минг** тонна узум, **2,8 минг** тонна пилла, **201,3 минг** тонна гўшт ҳамда **1 млн 400 тонна** сут тайёрлашга эришилди.

Хусусан, жорий йилда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтиришга қаратилган **236,3 млрд.** сўмлик **139 та** лойиҳалар амалга оширилди.

Австрия, Германия, Голландия, Дания давлатларидан **3,1 минг бош** наслдор қорамоллар келтирилиб, улардан юқори маҳсулдор насл олиш ишлари ташкил этилди.

Маҳсулдорлик ва меҳнат унумдорлигини ошириш мақсадида Тойлоқ, Оқдарё ва Жомбой туманларида чорвачиликда озиқлантириш, сут соғиш ва сут маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича замонавий технологиялар ўрнатилиб, ишга туширилди.

2020 йилда аҳоли хонадонларидаги **69,6 минг** гектар томорқа ерларида мавсумий (тўқсонбости, баҳорги, ўртаки) экинлар экилиб, жами **1,4 млн. тонна** ҳосил олинди. **6 минг 336 та** аҳоли хонадонларида ўз маблағлари ва имтиёзли кредитлар ҳисобига ихчам конструкцияли иссиқхоналар қурилди.

Аҳоли томорқа ерларидан самарали фойдаланиш, уларга кўмак бериш мақсадида “Томорқа хизмати” МЧЖлар ташкил этилиб, уларнинг моддий-техника базаси мустаҳкамланмоқда.

“Томорқа хизмат” МЧЖларида йиллик қуввати **1,5 минг** тоннага тенг

7 та совутиш ва **950 тонна** сақлаш омборхоналар ташкил этилиши натижасида, улар томонидан аҳоли томорқаларида етиштирилган **5,5 млн.долларлик** қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорт қилинишига эришилди.

Ҳозирги кунда, вилоятимиз бўйича жами **44 та** кластерлар, жумладан **10 та** пахта-тўқимачилик, **15 та** ғаллачилик, **13 та** мева-сабзавотчилик, **5 та** картошқачилик ва **1 та** доривор ўсимликларни етиштирувчи кластерлар фаолияти йўлга қўйилиб, уларга **151,9 минг** гектар ер майдони бириктириб берилди.

Жорий мавсумда пахта ҳосилининг **100 фоизи** пахта-тўқимачилик кластерлари ҳиссасига тўғри келгани, хусусан, **Каттақўрғон, Пахтачи, Иштихон ва Нуробод** туманларида бу борада эришилган юксак марралар бу тизимнинг қанчалик самарали эканини амалда исботламоқда.

Натижада, пахтадан гектарига ўртача ҳосилдорлик ўтган йилги **23,6** центнер ўрнига, жорий йилда ўртача **29,5** центнерга етди. **(ЎЗ СЎЗИМДА)**

Жорий йилда, Жомбой туманида **24 гектар** майдонда лойиҳа қиймати **10,5 млрд.сўмга** тенг, йиллик қуввати **2 млн.дона** кўчат етиштиришга мўлжалланган, замонавий-илғор инновацион технологиялар билан жиҳозланган, Ўрта Осиёда ягона ҳисобланган **“In-vitro”** лабораториясининг фаолияти йўлга қўйилди.

Экин майдонларини сув билан кафолатли таъминлаш мақсадида бу йил давлат бюджетидан **137,3 млрд.сўм** ёки 2019 йилга нисбатан **1,2 марта**, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш учун эса **30,4 млрд.сўм** ёки **1,3 баробар** кўп маблағ ажратилди.

2020 йилда **12,2 минг** гектар майдонда сув тежовчи технологиялар жорий қилиниб, **38,2 млрд.сўмлик** субсидия маблағлари ажратиб берилди, 2021 йилда ҳам ушбу ишлар давом эттирилиб **21,4 минг** гектар майдонида мазкур технологияларни жорий этиш режалаштирилмоқда.

Соҳага замонавий ахборот-коммуникация ва инновацион технологияларни жорий этиш мақсадида сув ҳисоб-китобини онлайн режимда юритиш ва уни бошқаришни автоматлаштириш мақсадида асосий каналларда **17 та** ақлли сув **“Smart Water”** қурилмалари ўрнатилди ва 2021 йилда ҳам **206 дона** шундай қурилмалар ўрнатилиши режалаштирилиб олинди.

Саноат тармоқларини узлуксиз хомашё ва замонавий инфратузилма билан таъминлаш, импорт ўрнини босувчи экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш, хизматлар кўламини ошириш, қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш **келгуси йилда ҳам бизнинг асосий вазифаларимиздан бўлиб қолади.**

Шу мақсадда, барча имкониятларни ишга солган ҳолда 2021 йилда **ялпи ҳудудий маҳсулот** ҳажмини **3,7 фоизга**, **саноат** маҳсулотлари ҳажмини **9,1 фоизга**, **хизматлар** ҳажмини **5,5 фоизга** ҳамда **қишлоқ хўжалигини 2,9 фоизга** бажаришни таъминлашимиз зарур.

Бунинг учун, барча асосларимиз мавжуд бўлиб улардан самарали фойдаланишимиз шарт.

Бугун, мамлакатимизда давлат идоралари ва ҳудудларнинг раҳбарларига ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичларига қараб баҳо бериш тизими яратилганлиги, рейтинг баҳолаш тизими орқали энди ҳудудлар **“қизил”**, **“сарик”** ва **“яшил”** тоифаларга ажратилаётганлиги, **ҳар бир раҳбарни ўз фаолиятини танқидий таҳлил қилиб чиқган ҳолда натижа ва самарадорликка қараб ишлашига даъват этади**, деб ҳисоблайман.

Жумладан, ўтказилган таҳлиллар натижаси бўйича Самарқанд ва Каттақўрғон шаҳарлари, Булунғур ҳамда Самарқанд туманлари **“яшил”** ҳудудга киритилган бўлса, **аксинча** Қўшработ, Пахтачи ва Пайариқ туманлари қолоқ яъни **“қизил”** ҳудудлар таснифига киритилганлигини жуда ачинарли ҳол деб ҳисоблайман.

Ўтган 11 ой давомида маҳаллий бюджет даромадлари **8,5 фоизга**

(режа 1 трлн 707 млрд. сўм, амалда 1 трлн 852 млрд.сўм) **ортиғи билан бажарилиб**, қўшимча **145,0 млрд. сўм** маблағ орттирилди. Йил якуни билан **195,0 млрд.сўм** қўшимча тушуши кутилмоқда.

Контингент **1 трлн 966 млрд.сўм белгиланиб**, **2 трлн 143 млрд.сўмга** ёки **109,0 фоизга** ортиғи билан бажарилган бўлса, йил якунига қадар режадаги **2 трлн 186 млрд. сўм** ўрнига **2 трлн 382 млрд.сўм** ёки **қўшимча 196,7 млрд.сўм** (109 %) даромад туширишни ҳисоб-китоб қилинган.

Шунингдек, маҳаллий бюджетнинг қўшимча маблағлари ҳисобидан **191,0 млрд.сўм** маблағ қуйидаги йўналишларга, яъни ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари доирасидаги тадбирларга учун **76,7 млрд.сўм**, ободонлаштириш тадбирларига **15,3 млрд.сўм**, “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурига **13,0 млрд.сўм**, “Ёшлар келажагимиз” давлат дастуридаги лойиҳаларга **4,2 млрд.сўм** ҳамда бошқа марказлаштирилган жамғармаларга (*саховат ва кўмак, ҳарбий-маъмурий сектор, фаровонлик жамғармаси, жамоатчилик фикри*) **35,6 млрд.сўм** йўналтирилди.

*Мисол учун, Пушкин номидаги вилоят ахборот-кутубхона маркази биносини мукамал таъмирлашга **6,7 млрд.сўм** ҳамда Самарқанд шаҳар Навоийшоҳ кўчасини мукамал таъмирлаш ишларига **1,1 млрд. сўм** йўналтирилди.*

Жорий йилда маҳаллий бюджет харажатлари 3,7 трлн. сўмни ташкил этиши кутилмоқда.

Ҳурматли депутатлар!

Инвестиция – бу иқтисодиёт драйвери, ўзбекча айтганда, иқтисодиётнинг юраги, десак муболаға бўлмайди.

Лекин, биз ҳали имкониятлардан тўлиқ фойланмаяпмиз. Бошқача айтганда, вилоятнинг ўсиш нуқталари, яъни драйверларини аниқлаб фаол инвестиция сиёсатини юритишда бажарадиган ишларимиз талайгина.

Мисол учун, биз ҳудудларни ўсиш нуқталарини таҳлил қилганмизда, туман ва шаҳарларнинг имкониятларидан келиб чиқиб электротехника, металлни қайта ишлаш, қурилиш материаллари, пластмасса маҳсулотлари ишлаб

чиқариш, мева-сабзавотларни қайта ишлаш, озиқ-овқат, тўқув-трикотаж маҳсулотлари саноати, зиёрат ва экотуризм ҳамда хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратишимиз лозимлиги аниқланди.

Вилоятда **ҳудудий инвестиция дастури** доирасида ўтган **11 ойда** қиймати **3,6 трлн. сўмлик 981 та** лойиҳалар амалга оширилиб, **8 775 та** иш ўринлари яратилди.

Жумладан, саноат йўналишида **247 та** лойиҳа амалга оширилиб **3 736 та** янги иш ўринлари, хизмат кўрсатиш йўналишида **268 та** лойиҳада **2 407 та** янги иш ўринлари ва қишлоқ хўжалиги йўналишида **466 та** лойиҳа доирасида **2 632 та** янги иш ўринлари яратилди.

Мисол учун, Ургутдаги “Нур Сам Қур” МЧЖ томонидан мато ишлаб чиқариш лойиҳаси учун **50,5 млрд.сўм** инвестиция киритилиб **40 та** янги иш ўринлари, Пастдарғомда “Самарқанд Камалак Инвест Текстил” МЧЖ ип-калава ишлаб чиқариш лойиҳаси учун **148,0 млрд.сўм** инвестиция киритилиб, **320 та** янги иш ўринлари яратилган.

Йил якунига қадар **1,9 трлн.сўмлик 161 та** лойиҳа ишга туширилиши ва **2 945 та** янги иш ўринлари яратилиши режалаштирилган.

Кейинги 2021-2023 йилларда ҳам қиймати **18,7 трлн.сўм** бўлган **1 568 та лойиҳалар** амалга оширилиши эвазига **40 050 та** янги иш ўринлари яратилиши белгилаб олинди.

Шу билан бирга, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этишда **127 та** инвестиция лойиҳалари амалга оширилиб, **150,1 млн. доллар** миқдорида хорижий инвестициялар ўзлаштирилди ва белгиланган топшириқ (режа 137,7 млн.долл.) **109,0 фоизга** бажарилди.

Вилоятда махсус иқтисодий ва кичик саноат зоналарининг ташкил этилиши ўзининг ижобий натижаларини бермоқда. Бугунги кунда мазкур саноат зоналарида ташкил этилган юқори технологик ишлаб

чиқаришлар ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар хорижга экспорт қилинмоқда.

Биргина, “Ургут” эркин иқтисодий зонасида қиймати **313,0 млн. доллар**лик (шундан, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар 56,8 млн. доллар) **55 та** лойиҳалар амалга оширилиб, **3 971 та** янги иш ўринлари яратилди. Бугунги кунда, эркин иқтисодий зонадаги корхоналар томонидан **200 турдаги** маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлиб, 2021 йилда маҳсулотлар тури **250 тага** еткзилади.

Мисол учун, ҳудудда металл парчалари ва чиқиндиларини қайта ишловчи **“Азия металл проф”** ва **“Азия сталл профил”** каби йирик саноат корхоналари ташкил этилиб, фаолият юритиб келмоқда.

“Азия металл проф” корхонаси томонидан 2020 йилда

73 млн.долларлик инвестициялар, шундан, тўғридан-тўғри чет эл инвестициялари **28 млн.доллар** жалб этилиб, **771 та** янги иш ўринлари яратилган бўлса, **“Азия сталл профил”** томонидан **60 та** янги иш ўринлари яратилиб, **6,1 млн.доллар** инвестиция киритилди.

Корхоналар томонидан **1 трлн 46 млрд.сўм**лик маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб, **25,0 млн.доллар** миқдорида экспорт амалга оширилди.

2021 йилда ҳам қиймати **32,8 млн. доллар** (жумладан, 1,3 млн. доллар бўлган хорижий) инвестициялар ҳисобига **14 та** лойиҳаларни ишга тушириш ва **748 та** янги иш ўринларини яратиш режалаштирилган.

Бундан ташқари, **14 та ҳудудда** (Ургут ва Тайлоқдан ташқари)

115 гектарда 18 та ташкил қилинган кичик саноат зоналарида **113 та** лойиҳалар жойлаштирилиб, бугунги кунгача

	умумий	қиймати
--	--------	---------

18,8 млн.долларлик **58 та** лойиҳа ишга туширилди ва **769 та** янги иш ўринлари яратилди.

Натижада **11 ойда** қиймати **66,4 млрд.сўм**лик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилди ва **1,8 млн доллар**лик маҳсулотлар **экспорт қилинди**.

Шунингдек, Ургут, Тайлоқ, Жомбой, Пайариқ ва Самарқанд туманларида **72,7** гектар майдонда (241 та лот) янги кичик саноат зоналари ташкил этилди.

Қадрли сессия иштирокчилари!

Юртбошимиз таъкидлаганларидек, **“Тадбиркор бой бўлса, халқ ҳам, давлат ҳам бой бўлади”**. Шундан келиб чиқиб, биз **“Ҳар бир тадбиркорга - кўмакдош, елкадош ва мададкормиз!”** ғояси асосида ишларни тизимли ташкил этиб бормоқдамиз.

Хусусан, мустақиллик давридан бошлаб 2018 йилгача бўлган **27 йил вақт мобайнида** вилоятимизда кичик бизнес субъектлари (юридик) сони **27 322 тани** ташкил этган бўлса, **ўтган икки йилда** (2020 йил 1 декабрь ҳолатига) уларнинг сони **1,7 баробарга** ортиб **34 524 тага** етган бўлса, бу даврда яқка тартибдаги тадбиркорлар сони **29,8 минг** тага етказилди.

Кичик бизнесни **ялпи ҳудудий маҳсулотдаги** улуши **77,5 фоизга**, саноатда **55 фоизга** ҳамда хизмат кўрсатишда **71 фоизга** етгани, бу соҳага катта эътибор қаратилаётганлигининг яққол тасдиғидир.

Лекин, берилаётган имкониятларга қарамасдан Қўшработ (743 та), Пахтачи (776 та) ва Нуробод (961 та) туманларида рўйхатдан ўтган тадбиркорлик субъектлари сони мингтани ҳам ташкил этмайди.

Тижорат банклари томонидан жами бўлиб **5,9 трлн.сўмдан** ортиқ кредитлар ажратилди. Кичик бизнес ва оилавий тадбиркорлик соҳасидаги **19,9 мингта** лойиҳаларга қиймати **558,8 млрд.сўмлик** имтиёзли кредитлар берилган. Жумладан, “Ҳар бир оила тадбиркор” дастури бўйича **16,8 мингта** лойиҳага **447,4 млрд.сўм**, “Yoshlar – kelajagimiz” жамғармасидан **110 та** лойиҳага **31,7 млрд.сўм** маблағлар ажратилди.

Шунингдек, **бандлик жамғармасидан** оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш учун **2 580 нафар** ишсиз ва камбағал фуқароларга шахсий томорқасида иссиқхона қуриш, уруғ ва кўчатлар етказиб бериш,

суғориш воситалари харид қилиш учун **8,7 млрд.сўм** субсидия берилди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуслари билан ташкил этилган **“корхоналарни соғломлаштириш ва хусусийлаштириш клиникаси”** соҳадаги кўплаб муаммоларнинг ечим топишга қулай замин бўлмоқда.

Шу билан бирга, тадбиркорларимизнинг муаммоларини ечиш мақсадида ҳар ҳафта душанба кунини “тадбиркорлар қабули” ўтказилиб, тадбиркорларимизга кўмак берилиб келинмоқда.

Тадбиркорликни ривожлантиришда галдаги муҳим масала давлат улуши мавжуд корхоналарни хусусийлаштирилиши билан боғлиқдир.

Жорий йилда жами **73 та** давлат активлари оммавий савдоларга чиқарилган бўлиб, **75,2 млрд.сўм** ҳамда **233,1 млн.доллар** миқдорида сотиб олиш ва инвестиция киритиш ҳамда **2214 та** янги иш ўринлари яратиш шарти билан хусусий мулк эгалигига сотилди.

Сотилган **30 та** объектларда **79,4 млрд.сўм** инвестиция киритилиб, **1 104 та** янги иш ўрни яратилди.

Бугунги кунда, **26 та** давлат активлари **24,2 млрд.сўм** инвестиция киритиш ҳамда **295 та** янги иш ўринлари яратиш шарти билан аукцион савдоларида турибди.

Йил якунига қадар **5 та** инвестиция мажбуриятларини билан берилган давлат объектлари **14,9 млрд. сўмлик** инвестиция киритилиши ҳисобига ишга туширилиб, қўшимча **120 та** янги иш ўринлари яратилади.

Аҳолининг кайфиятига таъсир этувчи яна бир муҳим омил - бу иш жойларини ташкил этиш ҳисобланади.

Аҳоли бандлигини таъминлаш дастурига мувофиқ, жорий йилда **27 245 та** доимий янги иш ўринлари яратилди.

Инвестиция лойиҳаларини ишга тушириш ҳисобига янги яратиладиган иш ўринлари Булунғур, Нарпай ва Нуробод туманларида ортиғи билан бажарилган бўлса,

вилоятнинг Пахтачи туманида режа атига **35,3 фоизга** (режа 915, амалда 326 та) ва Каттақўрғон туманида эса режа **35,5 фоизга** (режа 704 та амалда 264 та) бажарилган холос.

Пандемия даврида **ишсизлик даражаси 13,6% ни** (216,6 минг киши) ташкил этиб, олиб борилган амалий ишлар натижасида, **ишсизлик даражасини 11,4 %га** (183,1 минг киши) туширишга эришилди.

Ўтган давр мобайнида **80,0 минг нафар** фуқаролар ўзини-ўзи банд қилганлар сифатида рўйхатга олинган бўлса, **йил якунига қадар** ўзини-ўзи банд қилган фуқаролар сони **85,5 минг нафарга** етказилиши режалаштирилган. Шунингдек, **74,0 минг нафар** фуқароларни расмий бандлиги таъминланди, яъни легаллаштирилди.

Лекин бу борада қилиниши керак бўлган ишлар кўплиги, пандемия даврида фуқароларни бандлигини таъминлашнинг нечоғлик аҳамиятли эканлиги кўринди.

Бугунги кунда, ишсизларни асосий қисми меҳнат мигрантлари ҳисобланади. Меҳнат муҳожирларини қайтариш борасида ҳам вилоятда қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Ҳозирда хориждан қайтган **61 987 нафар** меҳнат мигрантларидан **30 479 нафари** (49,2%) нинг **бандлиги таъминланди.**

Жорий йил 19-26 сентябрь кунлари вилоят делегацияси Россия Федерациясининг **Башқортостан Республикаси, Саратов вилояти ва Москва шаҳарларида** бўлиб, жами **8 та** келишувларга эришилди.

Ҳозирда **12 452 нафар** хорижда ишлаш истагида бўлган фуқаролар рўйхати шакллантирилди ва меҳнат мигрантларини тартибли равишда хорижга ишга жўнатиш мақсадида уларни авваломбор, касбга ва тилга ўргатиш бўйича ишлар бошлаб юборилди.

Самарқанд ва Каттақўрғон шаҳарларида касб-ҳунарга ўқитиш марказлари ва **16 та туман**

(шаҳар)ларда аҳолини касб-ҳунарга ўқитиш масканлари ташкил этилди.

2021 йил 1 январдан Самарқанд шаҳрида **“Ишга марҳамат” мономаркази** фаолиятини бошлайди. Унда **7 та** йўналишда **17 та** касбга ва **3 та** хорижий тилга ўргатиш курслари ташкил этилади.

Ҳурматли депутатлар!

Биз янги Ўзбекистонни халқимиз билан биргаликда барпо этамиз, деган улуғвор мақсадни ўз олдимизга қўймоқдамиз. Президентимиз табири билан айтганда, **“Жамият - ислоҳотлар ташаббускори”** деган янги ғоя кундалик фаолиятимизга тобора чуқур кириб бормоқда.

Бунинг исботини, айниқса, маҳалла, қишлоқларимизнинг кундан-кунга чирой очиб бораётганида ҳам кўриш мумкин.

Амалга оширилган бунёдкорлик ишлари-фойдаланишга топширилган йирик инфраструктуравий, ижтимоий-маданий ва бошқа объектлар, уй-жойлар қурилиши борасида амалга оширилган ишларда кўринади.

Хусусан, жорий йилда, вилоятда **529,4 млрд.сўм** маблағ эвазига **137 та** ижтимоий соҳа объектларида, жумладан **Инвестиция** дастури орқали **109 та** ва **Инқирозга қарши курашиш** жамғармаси орқали **28 та** объектларда қурилиш, реконструкция ва мукамал таъмирлаш ишлари амалга оширилди.

Биргина мисол, Самарқанд шаҳри Кимёгарлар кўрғонида умумий қиймати **13,9 млрд.сўм** бўлган **“Нурафшон” маданият** дам олиш маскани (*қуввати 370 ўринли*) биноси мукамал таъмирланиб, фойдаланишга топширилди.

Шунингдек, 2020 йилда Инвестиция дастурига асосан вилоятда жами **31 та** (*1 та янги қурилиш, 20 та реконструкция ва 10 та мукамал таъмирлаш*) умумтаълим мактабларда **87,1 млрд.сўмлик** ҳамда **19 та** соғлиқни сақлаш муассасаларида **53,4 млрд.сўмлик** қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилиб, фойдаланишга топширилмоқда.

Соғлиқни сақлаш соҳасига кейинги йилларда берилган эътибор натижасида сўнги икки йилда (2019-2020 йиллар) давлат инвестиция дастури доирасида қиймати **224,3 млрд.сўмлик 795 та** қувватга эга бўлган **8 та** тиббиёт муассасалари янгидан қурилди.

2021 йилда ҳам **68 та** ижтимоий соҳа объектларини қуриш ва реконструкция қилиш ишларига **396,7 млрд.сўм** маблағлар ажратилиши режалаштирилган.

Ҳурматли депутатлар!

Аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш, ичимлик суви ва оқова сув таъминотини яхшилаш бугунги куннинг энг муҳим вазифалардан бири ҳисобланади (30 йиллик мерос).

Шу нуқтаи назардан ичимлик ва оқова сувининг бугунги ҳолати бўйича қисқача ҳисобот бериб ўтмоқчиман.

Бугунги кунда вилоят аҳолисининг **66,8 фоизи** тоза ичимлик суви билан таъминланган.

Ҳозирда вилоятда **4 841,0 км** ичимлик суви тармоғи мавжуд бўлиб, шундан, **1 123,4 км** ёки **23,2 фоизи** таъмирталаб аҳволда.

Мавжуд **1 872 та** сув қудуқларидан **675 таси** ёки **36,0 фоизи**, мавжуд **1 671 та** сув иншоотлари **551 таси** ёки **32,9 фоизи**, **89 та** резервуарлардан **19 таси** ёки **21,3 фоизи** таъмирталаб аҳволда.

Ўтаётган йилда пандемия шароитига қарамасдан вилоятда барча манбалар ҳисобидан **735,0 км** сув қувурлари, **6 та** резервуарлар ва **143 та** сув иншоотлари **580,3 млрд.сўмга** реконструкция қилинди ёки янгидан қурилиб фойдаланишга топширилди. Бу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан **2,7 борабарга кўп** демакдир.

Бунда, Республика бюджетидан **119,5 млрд сўм**, Самарқанд вилоятини ободонлаштириш ва фаровонлигини ошириш жамғармасидан **112,5 млрд.сўм**, хорижий молия ташкилотлари ва бошқа манбалар ҳисобидан **348,3 млрд.сўм** маблағлар ажратилгани эвазига **228,5 минг** нафар (шундан 110 минг

нафарга яқини илк бор) аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминланишига имкон яратди.

Мисол учун, Нуробод туманининг олис ҳудудлари бўлган “Хазормали” маҳалласи “Олға” аҳоли пунктида **5,0 минг** нафар аҳоли илк бор марказлашган ичимлик сув таъминоти билан, Пахтачи туманининг “Қарнаб ота” маҳалласи аҳолиси учун **24,0 км** магистрал ичимлик сув тармоғи қурилиб, маҳалла аҳли тоза ичимлик суви билан таъминланди. Бу ҳудудда узоқ йиллар давомида ичимлик суви транспорт орқали ташиб келинган.

2021 йилда жами бўлиб **1,9 трлн.сўмлик**, яъни Республика бюджети маблағлари ҳисобидан **45,0 млрд. сўм**, хорижий молия ташкилотлари ва бошқа молиялаштириш манбалари ҳисобидан **1 881,8 млрд.сўм** маблағ ажратилиши режалаштирилган.

Бу маблағлар, Самарқанд ва Каттақўрғон шаҳарлари, Қўшработ, Иштихон, Пахтачи ва Нарпай туманлари каби бошқа ҳудудларга ҳам тоза ичимлик суви билан таъминлаш учун йўналтирилади.

Жумладан, Самарқанд шаҳрининг маркази, “Сатеппо”, “Суғдиёна”, “Микрорайон” ҳудудлари, Каттақўрғон шаҳрининг “Ингичка” қўрғони, Қўшработ тумани маркази, “Жўш”, “Пангат” ва “Қоракисса” каби 100 дан ортиқ аҳоли пунктлари тоза ичимлик суви билан таъминланади.

Ҳурматли депутатлар!

Ҳозирда аҳолимизнинг бор-йўғи **10,7 фоизи** оқова хизмати билан таъминланган холос. Айниқса, Пастдарғом, Қўшработ, Каттақўрғон, Оқдарё, Пайариқ ва Иштихон туманлари марказларида ҳам марказлашган оқова тизимлари мавжуд эмас.

Энг ачинарлиси, вилоятнинг маркази бўла туриб, Самарқанд шаҳрида **40,0 мингдан** ортиқ хонадон ёки **35,5 фоиз** аҳолиси оқова тармоқ билан таъминланмаган.

Вилоят аҳолисини оқова хизмати билан таъминлаш юзасидан жорий йилда ҳам бир қатор ижобий ишлар амалга оширилди.

Жорий йилнинг ўтган даврида **137,7 км.ли** оқова тармоқлари тортилди.

Мисол учун, Пахтачи тумани марказида суткасига **2000 м3** оқова сувларини тозаловчи иншооти қурилиб, фойдаланишга топширилади. Натижасида туман марказида истиқомат қилувчи аҳолининг муаммоларига барҳам берилмоқда.

Энг қувонарлиси, суткасига **140,0 минг.м3** қувватга эга бўлган “Самарқанд шаҳар оқова сувларини тозалаш иншооти” Жаҳон банкининг **10,4 млн.долл.** маблағлари ҳисобидан замон талаблари асосида модернизация қилиниб, 2021 йилда март ойида фойдаланишга топширилади.

Бундан ташқари, халқаро молия институтлари маблағлари ҳисобидан қиймати **117,5 млн.доллар** бўлган вилоятнинг юқорида қайд этилган 6 та туманлари марказларида оқова тизимлари лойиҳасини амалга ошириш бошланади.

Яна бир муҳим масала, электр энергияси ҳолатига Сизларни эътиборларингизни қаратмоқчиман. Вилоятда **590 минг та** (симёғоч) столбалар, **12,5 мингта** трансформаторлар мавжуд бўлиб, ҳозирда **1 200 та** трансформатор ёки **9,6 фоизи** ва **250 мингта та** (симёғоч) столбалар ёки **42,4 фоизи** таъмирга муҳтож. **Айниқса трансформатор ва симёғоч столбаларнинг эскириб кетганлиги, электр-энергиясининг йўқотилишига, қиш мавсумида электрнинг доимий ўчиши юзага келиб, халқимизнинг кўплаб эътирозига сабаб бўлмоқда.**

Бугунги кунда суткасига **1,3 млн кВт/соат** электр энергияси истемолга нисбаттан кам етказилиб берилмоқда. Электр энергиядан **683,6 млрд.сўмлик дебиторлик** қарздорлик мавжуд. **(ЎЗ СЎЗИМДА)**

Ўтган давр мобайнида, **997,0 км.лик** электр тармоқлари таъмирланиб, **778 дона** трансформаторлар реконструкция қилинди ва янгидан ўрнатилган бўлса, **8 та** янги куч трансформаторлари катта қувватлисига алмаштирилди ва реконструкция қилинди. Натижада, **75,6 мегаватт** қўшимча қувват захираси яратилиб, **293**

та маҳаллаларда **127,1 минг** аҳоли истеъмолчиларининг электр энергияси сифати оширилди.

Мисол учун, Ургут туманида **16000 кВа** қувватли трансформатор 25000 кВа трансформаторга, Иштихон тумани “Шайхислом” маҳалласидаги 25000 кВа қувватли трансформатор 40000 кВа трансформаторга, “Қорасув” массивида 16 000 кВа, “Садриддин Айний”, “Қавола”, “Намозгоҳ” маҳаллаларида 12 000 кВа.га эга ҳамда “Шарқий” 16 000 кВа.ли подстанциялар янгиланди.

2021 йилда ҳам **2 765 та** трансформаторларни таъмирлаш ва янгилаш ҳамда **10 207 км** электр узатиш тармоқлари мукамал ва жорий таъмирланади.

Жумладан, келгуси йилда Самарқанд шаҳрининг “Қорасув” массивида 25 минг кВа трансформаторли янги подстанция, Сўзангорон-3 ва Бульвардаги Оқсарой тақсимлаш пунктлари реконструкция қилиниб, янги асбоб-ускуналар билан жиҳозланади.

Бундан ташқари, Афросиёб подстанциясидан Регистон подстанциясигача 35 килватли 12 км узунликдаги кучланиш тармоқлари янгиланади.

Натижада, истеъмолчиларга 5,4 млрд кВт соат электр энергияси етказиб берилиб, 152,4 мингдан ортиқ аҳолининг электр энергия таъминоти сифати яхшиланишига эришилади.

Ҳурматли сессия қатнашчилари!

Бугунги кунда **744 та** маҳаллалардаги **442 минг** аҳоли суюлтирилгангаз билан таъминланмоқда.

Жорий йил давомида **25 млрд.**сўмлик газ тармоқлари реконструкция қилинди. Айниқса, Оқдарё ГРСдан Ўзбектракт, Шоҳизинда, А.Шомуродов кўчалари орқали Пенжикент кўчасигача диаметри 325 ммтрли **11,5 км** юқори босимли газ қувурларида қурилиш-монтаж ишлари олиб борилди.

Рўдакий ва Бўстансарой кўчаларида диаметри 530 ммтрли (**0,8 км**) ер ости газ қувурлари янгиланди.

Дебитор қарздорлик **785,0 млрд.сўм**ни ташкил этиб, йил бошига нисбатан **163,3 млрд.сўмга** ёки **26 %га** ошган.

Бу борада, энг катта қарздорлик Самарқанд шаҳар (313,9 млрд.), Пастдарғом (118,7 млрд.) ва Самарқанд (72,4 млрд.) туманлари ҳиссасига тўғри келади.

Бугун вилоятда табиий газ ва суюлтирилган газ танқислиги сезилмоқда. Вилоят аҳолиси учун бир ойлик табиий газ талабга нисбаттан **34 млн. 307 минг** куб кам етказилмоқда.

Бу эса, ўз навбатида Самарқанд шаҳар, Пайариқ, Ургут, Пастдарғом ва Самарқанд туманларида кўпроқ сезилмоқда **(ЎЗ СЎЗИМДА)**.

Ҳурматли депутатлар!

Йўл қурилиши соҳасида ҳам кўплаб ижобий натижаларга эришилмоқда

ЖАДВАЛГА ҚАРАЛАДИ.

Ўтаётган 2020 йил давомида вилоятда барча манбалар ҳисобидан **567,7 млрд.сўм**лик маблағлар эвазига **1085,5 км** автомобиль йўллари таъмирдан чиқарилди.

Жумладан, **226,3 млрд.сўм** Республика бюджети маблағлари,

83,5 млрд.сўм маҳаллий бюджет маблағлари, **157,8 млрд.сўм** Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ҳамда **100,0 млрд.сўм** Инқирозга қарши кураш маблағлари ҳисобидан таъмирланди.

Умумфойдаланишдаги **771,0 км** автомобиль йўллари ва **28 та кўприкларда** таъмирлаш ишлари амалга оширилди.

Жумладан, Нуробод туманида **31 км**, Самарқанд шаҳрига кирмасдан М37-а Бухоро ва Қарши йўналишларини боғловчи айланма автомобиль йўли **30**

км, Пастдарғом ва Иштихон туманларини боғловчи **10 км** ва Пахтачи туманида маҳаллий аҳамиятдаги **26 км** автомобиль йўллари таъмирланди.

2020 йилда туман ва шаҳар ҳудудларидаги **314,5 км.лик** ички хўжалик йўллари таъмирланди ва **4 та** янги кўприк қурилди.

Мисол учун, Самарқанд шаҳрида **67,4 км**, Ургутда **35,6 км**, Пайариқда **49,8 км**, Қўшроботда **44,3 км**, Пахтачида **55,0 км** ва Каттақўрғон туманида **42,0 км.лик** ички хўжалик йўллари таъмирланди.

Ҳашар йўли билан ҳам туман ҳудудларидаги ички автомобиль йўлларида **210,0 км** ортиқ таъмирлаш ишлари олиб борилди.

Йўл қурилиши ва таъмирланиши бўйича 2017 йилга нисбатан

2 баробарга кўп ишлар амалга оширилди.

Энг қувонарлиси, вилоятнинг маркази бўлган Самарқанд шаҳрида ҳам мустақилликдан кейинги 27 йил ичида қилинмаган **355,3 км** ички йўллар кейинги икки йилда асфальт қилинган бўлса, **110,3 км** автомобиль йўллари жорий таъмирланди.

Йўл қурилиши соҳасида Каттақўрғон, Пастдарғом ва Пахтачи туманлари ҳокимлари жонбозлик кўрсатиб, намуна бўлганлигини алоҳида таъкидламоқчиман.

2021 йилда ҳам йўл инфратузилмасини яхшилаш борасида кўплаб ишлар амалга оширилиши назарда тутилган.

Самарқанд шаҳри Мотрид қўрғонидан Имом Ал-Бухорий йўналишидаги М37, 4К493, 4Н505 бўйлаб автомобиль йўлларида пиёдалар йўлаги, велойўлаклар билан биргаликда **20,0 км**, Усто Умар Жўрақулов кўчаси, Афросиёб кўчасини боғловчи М-37 “а” Самарқанд шаҳар айланма йўли, Ибн Сино ва Бўстонсарой кўчалари,

Рудакий кўчаси, Рудакий ва Бўстонсарой кўчалари кесишмасида тоннел қуриш (142,7 млрд.сўм) ҳамда Оқдарё ва Иштихон туман марказларига олиб борувчи 4P58 автомобиль йўлида **9,0 км**, М39 автомобиль йўлининг 1083 км қисмида **моналит шаклида** (113,0 млрд сўм) **янги йўл ўтказгич кўприги** ҳамда М37 автомобиль йўлининг 6 км қисмидаги “Қорадарё” дарёси устидан ўтувчи кўприкда қурилиш таъмирлаш ишлари яқунланиб фойдаланишга топширилади.

Шу билан бир қаторда 2021 йилда А.Темур ва Гагарин кўчаларини реконструкция қилиш, Гагарин ва М.Улуғбек кесишмасида ҳамда Рудакий ва Гагарин кўчалари кесишмасида тоннеллар қуриш, “Сиёб” канали устидан ўтувчи кўприк қуриш, Оқдарё туманинг собиқ “Р.Ҳамраев” ҳудудини боғловчи “Қорадарё” дарёси устидан ўтувчи йўл ўтказиш кўпригини, Каттақўрғон шаҳри билан Пайшанба шаҳрини боғловчи Қорадарё дарёси устидан ўтувчи кўприкни қуриш ишлари, Пахтачидаги Қарнобота қишлоғига олиб борувчи **30,0 км.лик** 4P185 автомобиль йўли, Қўшрабат ва Нурота туманларини боғловчи умумий узунликдаги **45 км**, ҳамда Булунғурда узунлиги **8,0 км** бўлган

4P238 автомобиль йўлларида таъмирлаш ишлар амалга оширилади.

Шунингдек, шаҳар ва туманларнинг **375 км.**дан ортиқ ички йўллари таъмирланади.

Шу мақсадда, йўл ва кўприк қурилиши ишларига жами бўлиб,

857,4 млрд.сўм маблағлар ажратилиши режалаштирилмоқда.

Вилоятда уй-жой қурилиши борасида ҳам салмоқли натижаларга эришилганини, эътироф этмасдан бўлмайди.

Кам таъминланган ва уй-жой шароитини яхшилашга

муҳтож **1462 та** оилага, жумладан, ногиронлиги бўлган аёлларга ипотека кредити асосида арзон уй-жой сотиб олиш учун **46,1 миллиард** сўмдан зиёд бошланғич бадал тўлаб берилди.

Самарқанд ва Каттақўрғон шаҳарлари, Пайариқ, Жомбой, Оқдарё, Пахтачи, Ургут, Тайлоқ ва Самарқанд туманларида имтиёзли (субсидия) тартибда фуқароларга бериш учун жами **1700 та** хонадондан иборат **26 та** уй-жойлар қурилганлигини алоҳида қайд этиш лозим.

Уй-жой қурилиши бўйича Самарқанд шаҳрининг “Қорасув” массивида қурилаётган **100 минг кишилик** барча шароитларга эга бўлган йўлдош шаҳарча қурилиши жадал суръатларда олиб борилаётганлигини алоҳида таъкидламоқчиман.

Қисқа муддат ичида бу массивда **3 064** хонадонли **77 та** 5, 7 ва 9 қаватли уйлар, **3 608** хонадонли **47 та** 12, 14 ва 16 қаватли бўлган уйлар, ҳаммаси бўлиб **6 672** хонадонли **124 та** кўп қаватли уйлар фойдаланишга топширилди. Бу эса, **25 мингга** яқин фуқароларимизни яшаши учун шароит яратилганидан далолат беради.

Ҳозирги кунда **1000 та хонадонли 4 та 25 қаватли** ва **1 728 хонадонли 18 та 16 қаватли** уйлар қурилмоқда. Бундай уй-жой қурилишлари вилоятнинг барча ҳудудларида давом эттирилади.

Бундан ташқари, “Қорасув массиви”да бир сменада **560 ва 1640 ўқувчи** қатновига эга бўлган **2 та мактаб** (*1640 ўринли мактаб кечи билан бир ой ичида фойдаланишга топширилади*) ҳамда **3 та 380 ўринли** боғча қуриб фойдаланишга топширилди.

Шунингдек, **3 та 250 ўринли** боғча, **2 та** оилавий поликлиника, Республика шошилинич тиббий маркази, **42 гектар** ер майдонига маданият ва истироҳат боғи, савдо ва хизмат кўрсатиш шаҳобчалари, янги маҳалла гузарлари, спорт ва кўнгилочар жойлар, IT-парк, масжид ҳамда бошқа инфраструктура объектлари янгидан

қурилмоқда ҳамда қурилиши назарда тутилмоқда.

Ҳурматли депутатлар!

Вилоятда “**Темир дафтар**”га киритилган оилалар, уларни қўллаб-қувватлаш ва камбағалликдан чиқариш, “**Аёллар**” ва “**Ёшлар**” дафтарларини шакллантириш бизнинг энг муҳим вазифаларимиз саналади.

Бироқ, ҳукумат томонидан бериладиган ижтимоий ва моддий ёрдамлар ҳисобига камбағалликни қисқартириб бўлмаслигини бутун дунё тажрибаси кўрсатиб берган.

Йил бошида вилоят бўйича **47 770 та** камбағал оилалар рўйхати шакллантирилиб, “**темир дафтар**”га киритилган эди. Ўтган даврда амалга оширилган чоратadbирлар натижасида **27389 та** оилалар халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгашларининг қарорлари асосида рўйхатдан чиқарилган бўлса, жойларда аҳоли билан мунтазам равишда ўтказилган мулоқотлар натижасида яна **4 207 та** оилалар “**темир дафтар**”га **қўшилди**. Бугунги кунда **24588 та** оила (*105715 та оила аъзолари*) “**темир дафтар**”да рўйхатда турибди.

Шунингдек, бу йилги пандемия шароитида **201,2 млрд.сўмлик** ёрдамлар кўрсатилди. **63 720 нафар** фуқароларнинг бандлиги таъминланди.

*Жумладан, **380 нафари** оилавий тадбиркорликка, **102 нафари** ҳунармандчиликка, **4 415 нафари** жамоат ишларига, **442 нафари** саноат лойиҳаларига, **5 027 нафари** агросаноат лойиҳаларига, **862 нафари** кооперация асосида ер ажратиш ҳисобига, **7 549 нафари** такрорий экинга, **23 225 нафари** расмий ўзини-ўзи банд қилиш ҳисобига бандлиги таъминланди.*

“**Темир дафтар**”даги ишсиз фуқароларни **касб-ҳунарга ва хорижий тилларга** ўқитишга алоҳида эътибор қаратилиб, **2 128 нафар ишсиз** фуқаролар **12 та** йўналишда ўқитилмоқда.

Бундан ташқари, “**Ёшлар дафтари**” ва “**Аёллар дафтари**”ни шакллантириш ишлари охирига етказилмоқда.

Вилоятдаги жами **883 минг 367 нафар** 18 ёшдан 30 ёшгача ёшлар ҳамда **725 минг 809 нафар** 30 ёшдан юқори аёллар хатловдан ўтказилади.

Олдимизда турган асосий вазифа хатлов натижаларига кўра “Ёшлар” ва “Аёллар” дафтарини тўлиқ шакллантириш, уларнинг тизимли муаммоларини урганиш ва ечиш юзасидан секторбай ишлаш тизимни жорий қилишдир.

Маълумки, бугунги кунда барча соҳаларда, хусусан мактабгача таълим йўналишида ҳам охириги уч йилда изчил ислоҳотлар олиб борилмоқда.

Шу ўринда, Муҳтарам Юртбошимизнинг **“Миллатнинг соғлом генофондини тайёрлаш, аввало мактабгача таълим тизимидан бошланади”** деган жуда катта маънони ўзида жамлаган сўзларини таъкидлаб ўтишни жоиз деб ҳисоблайман.

Мактабгача таълимни ривожлантириш борасида бошлаган ислоҳотларимиз натижасида **40 та** давлат, **9 та** нодавлат (хусусий), **39 та** давлат-хусусий шерикчилик ва **205 та** оилавий болалар боғчалари ташкил этилди. Мактабгача таълим билан қамраб олиш даражаси бир йил давомида **50 фоиздан 63 фоизга** кўтарилди. 2022 йилгача **77,0** фоизга етказиш режалаштирилган.

Шунингдек, жами **378 та** бошланғич таълимга мажбурий бир йиллик тайёрлаш гуруҳларига **11 340 нафар 6 ёшли** болалар қамраб олинди. Ҳозирда 6 ёшли болалар қамрови **77 фоизга** етди.

Қишлоқ жойларда ўтган уч йил мобайнида жами қуввати

6 160 ўринли 65 та давлат-хусусий шериклик асосида ҳамда

28 725 ўринли 1 149 та оилавий нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари ташкил этилганлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Ҳурматли сессия иштирокчилари!

Биз мамалакатимизни ривожланган мамлакатга айлантиришни олдимизга мақсад қилиб қўяр эканмиз, бунга фақат жадал ислоҳотлар, илм-маърифат ва

инновация билан эриша олишимиз мумкинлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда.

Шу ўринда, Муҳтарам Президентимизнинг шарқ донишмандлари томонидан айтган, **“Энг катта бойлик - бу ақл-заковат ва илм, энг катта мерос - бу яхши тарбия, энг катта қашшоқлик - бу билимсизликдир!”** деган пурмаъно сўзларини эслаш жоиздир

Албатта, бугунги кунда боғчадан тортиб, олий ўқув юртигача таълимнинг барча босқичлари янгидан ислоҳ этилмоқда.

Вилоятимизда, **1255 та** мактаблар фаолият кўрсатиб, улардаги ўқувчилар сони **734398 тани**, ўқитувчилар эса **56370 тани** ташкил этади.

Ўқувчиларимиз бу йилги олий таълимга ўқишга кириш жиҳатидан паст натижа қайд этганлиги, бизнинг ҳали амалга оширилиши лозим бўлган вазифаларимиз кўплигини англатади.

Шу сабабли ҳам, биз, олий таълим ректорлари, профессор-ўқитувчилари билан келишиб Пастдарғом ва Ургут тумани бўйича янги тажриба жорий қилиш бўйича қарор қабул қилдик. Яъни Ургут туманидаги **143 та** ва Пастдарғом туманидаги **127 та** мактабларга жами **10 та** олий ўқув юртларининг деканат ва кафедраларининг (*ректор, проректор, декан, мудир*) ўқитувчилари мактабларга бириктирилди.

Бундан мақсад, олий ўқув юртлари ушбу мактаблар мазмунига алоҳида эътиборни қаратиш орқали якуний натижани яхшилашдан иборатдир. Бугун бу иккала туман вилоятнинг энг катта туманлари бўлиб, **минг афсуски рейтинг кўрсаткичлари бўйича энг охирги ўринларни эгаллаб турган туманлар ҳисобланади.**

Мисол учун, биргина Ургут тумани 2019-2020 ўқув йили якуни бўйича энг охирги ўринни эгаллаган. Бу ерда, **17 та** мактаб (*7312 тадан 346 та кирган*) ўқувчилари олий ўқув юртига ўқишга кирмаганлиги, кейинги 2 йилда эса

11 та мактабдан бирорта ўқувчи ҳам олий ўқув юртига ўқишга кирмаганлиги ачинарли ҳолатдир.

Бугун олий ўқув юртлари масъуллари бириктирилган мактабларга ўқувчи ва ўқитувчилардан ҳар ойда тест олиб, уларга ҳар томонлама ёрдам беради. Олий ўқув юртлари битирувчиларини мактабга жалб этади, рақобат муҳитини яратади ва натижадорликни таъминлайди.
(ЎЗ СЎЗИМДА)

Бироқ, жорий йилда ўтказилган таҳлиллар, мактабларимизнинг

23 тасида (2 та умумтаълим мактаблари ва 21 та мактаб филиаллар) **тоза ичимлик суви** ва **560 таси** ёки **44,6 фоизида** интернет тармоғи билан таъминланмаганлиги ёки 2019-2020 йилги ўқув йилида битирган ўқувчиларимизни олий таълимга қамраб олиш даражаси Республикада ўтган йилги 10 ўрindан 14 ўринга тушиб кетганлиги, бугун соҳада кескин ўзгариш қилинмаса, эртага ёш авлод бизни кечирмаслигини аниқлатади.

Олий таълимга қамраб олиш кўрсаткичини ҳудудлар кесимида қарайдиган бўлсак, Ургутда бор-йўғи **4,7 фоиз**, Самарқанд туманида **7,5 фоиз** ҳамда Жомбой, Нуробод, Каттақўрғон, Пайариқ ва Пастдарғом туманларида **8-9 фоиз**ни ташкил этган.

Мен яна бир бор таъкидлайман, биз раҳбарлар, ҳурматли сенаторлар, депутатлар ва кенг жамоатчилик бир бўлиб таълим соҳасига жиддий эътибор бермас эканмиз, келажак ёшларимиз билимсиз бўлиб тарбияланаверади.

Зеро биз, дунёни ўз илми билан ларзага солган ҳадис илмининг султони, бетакрор илм соҳиби Имом ал-Бухорий, калом илмининг етук алломаси Имом Мотурудий ва Мирзо Улуғбек каби минглаб азиз авлиё, олиму уламо, фозилу фузалоларнинг авлодларимиз.

2020 йилда мактабларни тоза ичимлик суви билан таъминлаш юзасидан режага киритилган **332 та** мактаблардан **330 таси тоза ичимлик суви** билан таъминланган бўлса, **31 та** мактабларга **6 млрд. 274 млн.сўмлик янги ўқув жиҳозлари** етказиб берилди. Хусусий мактаблар сони **16 тага** етказилди.

2020 йилда **8 нафар** педагог кадрларимиз Давлат мукофотлари билан, **52 нафар** ўқитувчилар **“Халқ таълими аълочиси”** ҳамда **2 нафари “Халқ таълими фидоийси”** кўкрак нишонлари билан тақдирланди.

Мактабнинг кейинги бўғини, яъни занжири олий таълим ҳисобланади.

Бугунги кунда олий таълимга ҳам катта эътибор қаратилиб, юртимизда хорижий давлатларнинг нуфузли таълим муассасаларини филиаллари очилмоқда.

Хусусан, жорий йилда вилоятимизда ҳам Россия давлат Жисмоний тарбия, спорт, ёшлар ва туризм университети Самарқанд филиали ҳамда Тошкент давлат аграр университети Самарқанд филиали ташкил этилиши натижасида вилоятдаги олий ўқув юртлари сони **11 тага** етди.

Таълим йўналиши ва турли хил мутахассисликларга бўлган эҳтиёжни қондириш мақсадида **10 та** янги факультетлар ва **36 та** кафедралар ташкил эилди. Бугунги кунда, **206 турдаги** йўналишда олий маълумотли мутахассисларни тайёрламоқда.

Сўнги икки йил ичида талаба ёшларимизнинг **39 нафари** Президент ва номдор стипендиялар соҳиблари ҳамда **258 нафари** халқаро олимпиадалар совриндори бўлиб, уларнинг **161 нафари** олтин медални қўлга киритди.

Олий таълим муассасаларимизда **86 нафар** хорижий давлатлардан келган ўқитувчилар таълим бермоқда, уларнинг **11 нафари** профессор ўқитувчилардир.

Муҳтарам Президентимиз томонидан соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш, тиббий хизмат сифатини ошириш бўйича кенг кўламли ислохотларни амалга оширмоқда.

Шифокорларнинг жамиятдаги ўрни ва мақомини кучайтириш, халқимиз ўртасида уларга нисбатан ҳурматни ошириш, ушбу касб эгалари учун муносиб меҳнат шароити яратиш ва даромадини кўпайтириш бўйича амалий чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Бу борада, Президентимизнинг 2020 йил 12 ноябрда қабул қилинган “Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислоҳатлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6110-сонли Фармони соғлиқни сақлаш тизимини янада ислоҳ этиш, тиббий хизмат даражасини кўтаришга хизмат қилишини алоҳида таъкидлаш ўринлидир.

Бугунги кунда вилоятда **586 та** хусусий клиникалар мавжуд бўлиб, уларнинг **485** таси (80%) амбулатор (бир сменада **4705** қатнов) ва **101** таси (20%) стационар (2500 койка ўрин) шароитда **30** турдаги ихтисосликлар бўйича малакали тиббий хизмат кўрсатиб келмоқда.

Хорижий инвестиция ҳисобига янгидан ташкил этилган клиникалар жами **8 тани** 2020 йилда эса **4 тани** ташкил этади.

Вилоятдаги даволаш муассасалари 2020 йилда **25,0 млрд. сўмлик** замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди.

Жумладан, маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан **13 млрд 121 млн сўмлик, 83 та “Дамас”, 10 та УАЗ, 10 та Вольцваген** ва **2 та ISUZU** автомобиллари олиб берилди. Тез тиббий ёрдам автомашиналари сони шу йилни ўзида **135 тадан 294 тага** етказилди.

Бунинг натижасида чақириқларга етиб бориш вақти 30-35 дақиқадан 10-15 дақиқага, чақириқ манзилига кечикиб бориш улуши 8,8% дан 2,3% (4 баробарга) қадар камайиб оғир беморларга шошилиш ёрдам кўрсатиш вақти тезлашди.

Ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш, ёшларни Ватанга садоқат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, ўсиб келаётган ёш авлодни илм-фан ва инновацияларга кенг жалб этиш, уларни **“Миллий тикланишдан-миллий юксалиш сари!”** ғояси атрофида бирлаштириш борасида муайян ишлар олиб борилмоқда.

Жорий йилда ёшларимиз орасидан **2 нафар** паралимпиада совриндорлари ҳамда **2 нафар** Ганкон халқаро математика олимпиадаси бронза медали соҳиблари чиқишди.

Шунингдек, **“Мард ўғлон”** давлат мукофоти билан Нарпай туманидаги 64-мактаб 9-синф ўқувчиси **Нуруллаев Ҳасан Жўрабек ўғли** тақдирланди.

Бугунги кунда бизнинг яна бир асосий вазифамиз миллий маданий меросимизни сақлаб қолиш, уни ёш авлод онгига сингдириш ва шу асосда тарбиялашдан иборатдир.

Вилоятда “Мақом” йўналишида ансамбл фаолият юритиб, улар томонидан вилоятнинг туман ва шаҳар марказлари ҳамда чекка қишлоқларида санъатнинг мақом йўналиши бўйича концерт дастурлари намойиш этиб келинмоқда.

Самарқанд ихтисослаштирилган санъат мактаби ҳамда **32 та** болалар мусиқа ва санъат мактабларида санъатнинг мақом йўналиши бўйича тўгарк (синф)лар ташкил этилган.

Бахшилар, оқинлар ва жиров ижрочилари кўрик-танловлари ўтказилиб келинмоқда.

Вилоят телерадиокомпаниясида ҳафтада бир маротаба бахши-шоирлар ижоди ва фаолиятига оид махсус кўрсатув ташкил этилиб, дostonлардан парчалар, термалардан намуналар ижро этиб борилмоқда.

Вилоятда “Оқ олтин”, “Тарона”, “Зарбулоқ”, “Ёшлик” “Роҳат”, “Сайқал”, “Шашмақом” “Жомбой тароналари”, “Шашмақом - Сўғдиёна” ашула ва рақс ансамбллари, “Бешқарсак”, “Сарбози” ҳамда “Чавқи” фольклор-этнографик халқ ансамбллари фольклор санъатимизнинг ноёб намуналари ва анъаналарини тарғиб этиб келмоқда.

Ҳурматли депутатлар!

Бугунги кунда хотин-қизларни қўллаб-қувватлашга доир давлат сиёсатининг вилоятда самарали амалга оширилишини таъминлаш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, вилоятимизда **1619 нафар** хотин-қизлар турли соҳаларда раҳбарлик лавозимларида фаолият олиб бормоқда. Уларнинг **1 нафари** Олий Мажлис Сенати аъзоси, **2 нафари** Қонунчилик палатасида (12,5 фоиз), **21 нафари** (35 фоиз), халқ депутатлари вилоят кенгашида, **129 нафари** (26,9 фоиз) туман (шаҳар) кенгашларида ва **1 нафари ҳокимлик лавозимида** фаолият юритиб келмоқда.

Жорий йилда оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган, ногиронлиги бўлган, кам таъминланган, фарзандларини тўлиқсиз оилада тарбиялаётган ва уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож **114 нафар** хотин-қизларга “**Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси**” томонидан **2 млрд 465 млн.сўм** миқдорида уй-жойларнинг бошланғич бадали тўлаб берилди, **11 717 нафар** хотин-қизларнинг доимий бандлиги таъминланди. Буларнинг **529 нафари** оғир турмуш шароитидаги аёллардир.

Тижорат банклари томонидан **7 281 нафар** хотин-қизларга **163 млрд 518 млн.сўм** миқдорда имтиёзли кредитлар ажратилиб, уларнинг тадбиркорлигини бошлашга кўмаклашилди.

Жорий йилда **104 нафар** хотин-қизларимиз Олий таълим муассасаларига алоҳида грант асосида ўқишга қабул қилиниб талабалик бахтига эришган бўлса, **18 нафар** аёллар “Мўтаъбар аёл” кўкрак нишони ва **2 нафар** Зулфия номидаги Давлат мукофоти (жами 24 нафар) совриндорлари бўлишди.

Вилоятимиз ўзининг узоқ минг йиллик тарихга эга. Буюк Ипак йўлининг ҳам шу заминдан ўтганлиги, тарихдан туризмни шаклланишига асос бўлган.

Бугунги кунда, вилоятимизда туризм соҳасида реконструкция қилинган зиёратгоҳлар ва маданий мерос

объектлари, туристлар оқимини кўпайтириш, уларга қулай шарт-шароитлар яратиш ҳамда замонавий меҳмонхоналар ва логистика хизматларини жорий этиш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Ҳозирда, вилоятимизда **125 та** меҳмонхона (2 675 хона, 5 909 ўрин), **170 та** оилавий меҳмон уйлари (694 хона, 1 611 ўрин) ва **31 таси** хостеллар (223 хона, 694 ўрин) хизмат кўрсатиб келмоқда.

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида вилоятда **470 та** хона ва **1 071 та** ўридан иборат **13 та** меҳмонхона, **28 та** оилавий меҳмон уйи ва **3 та** хостеллар фойдаланишга топширилди. Янги **15 та** туроператорлар фаолиятлари йўлга қўйилди.

Замонавий туристик синфга мансуб **10 та** автобус ва **13 та** микроавтобуслар олиб келинди. Сайёҳлик ташкилотлари сони жами **189 тага** етказилди.

Янгидан **13 та** меҳмонхона, **28 та** оилавий меҳмон уйи, **3 та** хостел, “туризм қишлоғи”, “туризм кўчаси”, **1 та** экотуризм маскани, **5 та** тиббиёт туризм объекти, **8 та** ҳунармандчилик ва **5 та** туризм соҳасидаги бошқа лойиҳалар ўз фаолиятини амалга оширмоқда.

Самарқанд туманида жойлашган “**Конирил**” қишлоғи Республикада “**Туризм қишлоғи**” сифатида рўйхатга олиниб ўз фаолиятини бошлади ва сертификатни қўлга киритди. **3,0 гектар** ҳудудда бунёдгорлик ишлари олиб борилиб, **38 та** туристик ҳамда хизмат кўрсатиш объектлари ишга тушурилди. Натижада **100 та** янги иш ўринлари яратилди.

Коронавирус пандемияси сабабли жорий этилган чекловлар туризм соҳасига ҳам ўз салбий таъсини ўтказмай қолмади.

Натижада, ташриф буюрган туристлар сони ҳамда улар ташрифидан олинadиган туристик хизматлар экспорти кескин камайди.

2019 йил мос даврида **548 102 нафар** хорижий сайёҳлар ташрифи кузатилган бўлса, бу йил ушбу кўрсаткич **51 970 нафарни**, маҳаллий

сайёҳлар сони **2 408 минг** нафарни ташкил этган бўлса, бу йил уларнинг сони **529 289 нафар**ни ташкил этди.

2020-2022 йилларда умумий қиймати **6 трлн 400 млрд.сўм** бўлган **367 та** туризм хизмат кўрсатиш лойиҳаларини рўйхати шакллантирилди.

Мазкур лойиҳаларнинг амалга оширилиши натижада **105 та** янги меҳмонхона, **200 та** оилавий меҳмон уйи, **33 та** дам олиш масканлари, **3 та** савдо-кўнгилочар марказлар ва **26 та** туризм соҳасини ривожлантирадиган бошқа лойиҳалар амалга оширилиши натижасида **6 771 та** янги иш ўринлари яратилиши режалаштирилди.

“Конирил” қишлоғи **2-босқичида 100 та** туристик объект ва хизмат кўрсатиш нуқталари ташкил этиш бўйича амалий ишлар бошланди.

Сайёҳларнинг белгиланган туризм манзилларига қулай, хавфсиз ҳамда юқори сифатли сервис кўрсатилган ҳолда етиб боришлари, эркин сайёҳларга қулайлик яратиш мақсадида шаҳар маркази, вокзал, аэропорт ва автовокзалларда туризм бекатлари ташкил этилади.

Яна бир нарсага алоҳида эътибор қаратмоқчиман. Самарқанд туманининг Эшкак эшик канали ҳудудида **“Самарқанд туристик центр”** МЧЖ буюртмалигида **212 гектар** майдонда **352,8 млн.долларлик** (40,0 млн.долл ўз маблағи, 200,0 млн.долл Ипак Йўли Фонди (Хитой), 20,0 млн Евро Миллий банк кредит ва 90,7 млн.долл бошқа манба) **“Туризм маркази”** қурилиш ишлари бошланган. Бу, 2022 йил март ойида тшлиқ фойдаланишга топширилади.

Ҳозирги кунда **102,9 млн.доллар** ўзлаштириб, қуриш ишлари жадал суръатларда давом эттирилмоқда.

Барчамизга маълумки, бу заминда азиз авлиёларнинг муқаддас қадамжолари ва зиёратгоҳлари макон топган. Бежизга айтилмаган, **Самарқанд Шарқ гавҳари - ер юзининг сайқали** деб.

Бизнинг, яқин келажакдаги диққат эътиборимиз ҳам мусулмон давлатлари учун зиёраттуризмни жадал ривожлантиришга қаратилади.

Таҳлилларга қараганда дунё бўйлаб ҳар йили 148 млн сайёҳ айнан зиёрат мақсадида ўз сафарларини амалга оширади.

Бугунги кунда, Индонезия, Туркия, Покистон Малайзия каби давлатлардан Имом ал-Бухорий меросига, Ҳиндистон, Туркия, Покистон, Бангладеш каби давлатлардан Абу Мансур Мотуридий меросига қизиқувчи, Индонезия, Малайзия, Туркия, Татаристон ва Чеченистон каби давлатлардан Хўжа Ахрори Валий ва Маҳдуми Аъзам издошлари, Исроил, АҚШ, Франция ва Россиядан Хўжа Дониёр ҳамда Яҳудийлар дини меросига қизиқувчилар кўплаб учрайди.

Ҳурматли сессия иштирокчилари!

Ҳар қандай давлатнинг ривожланишида рақамли технологияларни жалб этиш масаласи устувор вазифа саналади.

Жорий йилда Ургут, Тайлоқ, Самарқанд, Пастдарғом, Оқдарё туманлари ва Каттакўрғон шаҳрида Рақамли технологиялар ўқув марказлари ташкил этилиб, уларнинг сони **6 тага** етказилди ва **300 нафарга** яқин ёшлар компьютер технологиялари ва интернетдан самарали фойдаланишни ташкил этиш йўналиши бўйича ўқитилди.

Йил якунига қадар яна **4 та** шаҳар ва туманларда, 2021 йилда эса **6 та туманларда** ўқув марказлар ташкил этилади.

Марказларда 2021 йил якунига қадар 3,5 мингга ва **2022 йил якунига қадар** эса **10,2 мингга** ёшлар ўқитилади.

Шу йилнинг ўзида **346 та таълим** муассасаларига интернет тармоғи тортилиб, уларнинг сони **604 тага** ёки **48,1** фоизга етган бўлса, **боғчаларнинг ҳам 370 тасига** тармоқ тортилиб **409 тага** етказилди.

Мобил алоқа тармоқларини кенгайтириш мақсадида **151 та** янги база станциялар ўрнатилди ва **561 та** база станциялари модернизация қилинди.

Натижада, жами база станциялар сони **2 502 та,** мобил алоқа абонентлари сони **2,2 млн.тага,** мобил

интернет абонентлари сони
1,5 млн.тага етди, **98,9 фоиз** мобил алоқа, **75 фоиз**
мобил интернет қамрови билан таъминланди.

Жинойтчиликни камайтириш, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш борасида ҳам тегишли ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, бу борада ахборот технологиялари имкониятидан кенг фойдаланган ҳолда вилоятда **“102” автоматлаштирилган тизим** ишга туширилмоқда.

Бу эса, фуқароларимизнинг сарсон бўлишига йўл қўймасдан, содир бўлган ҳар бир жиноят ва ҳодисани ўз вақтида ҳисобга олиниши ҳамда зудлик билан тезкор-тергов гуруҳини ҳодиса жойига чиқишини таъминлайди.

Бугунги кунда, вилоят Ички ишлар бошқармасида ташкил этилган **“Вазиятлар маркази”**га Самарқанд шаҳридаги объектлар ва йўлларда ўрнатилган **1500 дан** ортиқ видеокузатув мосламалари интеграция қилинган.

Ҳозирда ҳар бир шаҳар-туман Ички ишлар органларида мини **“Вазиятлар маркази”**ни ташкил этиб, Самарқанд вилоят Ички ишлар бошқармасидаги **“Вазиятлар маркази”**га марказлашган ҳолда интеграция қилиш режалаштирилмоқда.

Бу вилоят ҳудудини тўлиқ назорат остига олиб, фуқароларни хавфсизлиги ва жамоат тартибини таъминлашга хизмат қилади.

Ҳурматли депутатлар ва халқ ноиблари!

Кейинги йилларда маҳалла институтларининг мавқеини оширишда кўплаб ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинганлиги, маҳалла раисларини ҳам халқ томонидан сайланиши, бу соҳанинг нечоғлик самарали эканлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда. Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг ташкил этилиши ҳам яхлит бир тизимни амалга оширишда катта аҳамиятга эгадир.

Ушбу минбардан туриб маҳалла раисларимизга мурожаат қилмоқчиман!

Муҳтарам юртбошимиз таъбири билан айтганда маҳалла ҳақиқий маънода халқимиз ва давлат идоралари ўртасида кўприк бўлмоғи керак. Одамларнинг қувончу

ташвишидан доимо хабардор бўлиши лозим. Айни кунларда биз барча маҳалла раисларини планшет ва узлуксиз интернет билан таъминлаш чораларини кўриб бораяпмиз.

Халқимизнинг ўз мурожаатларини билдириш учун идорама-идора сарсон бўлиб юришларига чек қўйиш мақсадида **mahallalar.uz** электрон тизимини ишлаб чиқдик. Тез кунларда фуқароларимизни қийнаётган барча муаммоларни маҳалла раиси, ОАВ ва жамоатчилик назорати остида ташкилотларда кўриб чиқилиши таъминланади. Янги яратган тизимимизнинг ҳам асосий мақсади халқимизга қулайлик яратишдан иборат. Маҳалла раислари томонидан қўйилаётган масалалар онлайн тизимда шахсан вилоят ҳокими ёки ўринбосари томонидан имзоланган ижро варақаси орқали ижрочиларга етказилади ва назорати ҳам вилоят ҳокимлиги томонидан олиб борилади.

Шу мақсадда, маҳалла раисларимизни фаолликка чақириб, ҳеч нарсани яширмай, барча муаммоларни амалиётга жорий этилаётган янги тизимимиз орқали масъул ижрочиларга йўллашларини сўраб қоламиз. Ҳар бир мурожаат замирида инсон тақдири турганилигини маҳалла раисларимиз ҳам, корхона ва ташкилот раҳбарларимиз ҳам унутмасликлари зарур! **ЎЗ СЎЗИМ БИЛАН**

Бугун жамиятдаги муаммоларни кўтариб чиқаётган, очиқлик бўлишини таъминлаётган оммавий ахборот воситаларининг тутган ўрни беқиёсдир. Уларнинг фаолиятимизга очиқ ва холисона баҳо бераётгани ишимизни режали қилиб олиб борилишида муҳим аҳамият касб этмоқда. Сўнги йилларда оммавий ахборот воситаларининг мавқени оширишда жуда катта қарор ва фармонларнинг қабул қилинганлиги, уларнинг очиқ ва эркин фаолият юритаётганлигини барчамиз кўриб, билиб турибмиз.

Журналистларимиз билан бир қаторда ижтимоий тармоқларда очиқлик ва шаффофликни таъминлаб, халқ дардини, муаммосини кўтариб чиқаётган блогерларимиз сафи ҳам кенгайиб бормоқда. Улар кўтариб чиқаётган

муаммоларнинг эса соҳа мутасаддилари томонидан тезкор бартараф этилиши, амалий ечим қилиб борилаётганлиги, албатта ушбу тизимга нисбатан халқнинг ишончи ошишига сабаб бўлмоқда.

Шу ўринда, халқимизга беминнат хизмат қилиб келаётган ижтимоий тармоқлардаги Самарканд и Самаркандци, Я - Самаркандец, Самарқанд Сити, Самарқандликлар, Юртимизда каналлари ва бошқа кўплаб канал ҳамда сайтларнинг администратор ва модераторларига ўз миннатдорчилигимни билдирмоқчиман.

Бугун, барча жабҳадаги раҳбарларимиз очиқ ва шаффофликни таъминламас экан, самарали фаолиятини йўлга қўя ололмаслигини албатта, тушуниб олишлари керак. Уйлайманки бундай раҳбарлар сафимизда жуда озчиликни ташкил этади.

Оммавий ахборот воситалари, журналист ва блогерлар ҳамда сектор раҳбарлари, корхона ва ташкилотлар бирлашиб, бир ёқадан бош чиқариб, Халқ розилиги йўлида ҳамкорликда ишни ташкил этсак албатта кутилган натижага эришамиз.

Шу фурсатдан фойдаланиб, барча оммавий ахборот воситаларига ўзимнинг чуқур миннатдорчилигимни билдираман.

Қадрли депутатлар!

Ўрнатли сессия қатнашчилари!

Мен яна бир бор таъкидламоқчиман, биз жадал ислохотларни амалга оширар эканмиз илмга, инновацияга таянмасдан иложимиз йўқ.

Сўз ўрнида Абу Тохир Самарқандийнинг **“Агар бойлик истасанг Ҳиндистонга бор, агар илм истасанг, Маккага бор, агар ҳар иккаласини истасанг, Самарқандга бор”** деган гапини эсламасдан илож йўқ.

Бугун биз Сизлар билан эзгу мақсадлар, яъни халқимизга ҳалол хизмат қилиш, уларни ҳар жиҳатдан рози қилиш бўйича биргаликда, самарали фаолият юритишимиз зарур.

Шу фурсатдан фойдаланиб, мен Сизларни кириб
келаётган янги
2021 йил билан чин қалбимдан табриклайман.

Сиз ва Сиз орқали оилангизга ва барча
яқинларингизга инсон учун энг қадрли бўлган неъмат –
соғлиқ-саломатлик, тинчлик ва осойишталик, янги йилда
ҳаётингизнинг барча жабҳаларида кўплаб ижобий
натижалар, ютуқлар ва мувафаққиятларга
эришишингизни тилайман.

Яна бир бор барчангизга сиҳат-саломатлик, чексиз
куч-ғайрат, ютуқ ва омадлар, оилавий бахт ва саодат ёр
бўлсин.

Эътиборларингиз учун раҳмат!